

СОБИРОВ Ўткир Турсунбой ўғли
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
тадқиқотчиси,
Ўзбекистон муслмонлари идораси
Бош мутахассиси
e-mail: sobirov.utkirbek@inbox.ru

ЖАНГОВОР ХУДУДЛАРДАН “МЕХР” ОПЕРАЦИЯСИ ДОИРАСИДА ҚАЙТАРИЛГАН ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ИШИД ТАЪСИРИГА БЕРИЛИШИНING СОЦИАЛ-ПСИХОЛОГИК ТАҲЛИЛИ

СОЦИАЛЬНО- ПСИХОЛОГИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ЖЕНЩИН И ДЕВУШЕК, ВОЗВРАЩЕННЫХ ИЗ ЗОНЫ БОРЬБЫ В ХОДЕ ОПЕРАЦИИ «МЕХР» ПОД ВЛИЯНИЕ ИГИЛ

SOCIO-PSYCHOLOGICAL ANALYSIS OF ISILS INFLUENCE ON WOMEN AND GIRLS WHO RETURNED FROM WAR ZONES OF ISIL THROUGH OPERATION “MEHR”

Аннотация: Мазкур мақолада Яқин Шарқ ва Афғонистоннинг жангвор ҳудудлардан “Мехр” операцияси доирасида қайтарилган айрим ўзбекистонлик хотин-қизларининг аянчли ўтмишлари ва ИШИД (“Ироқ ва Шом ислом давлати”) террористик ташкилотининг аёлларга нисбатан турли услублар орқали таъсир ўтказишлари социал-психологик таҳлил қилиб ўтилган. Шу нуқтаи назардан тақдим этилаётган мақола жаҳолатга қарши маърифат билан курашишда ўзининг муҳимлиги билан бирга диний-маърифий йўналишда таҳсил олаётган ва фаолият юритаётган соҳа вакиллариغا ёрдамчи дастак сифатида хизмат қилиши шубҳасиз.

Калит сўзлар: “Мехр” операцияси, Сурия, ИШИД, “ҳижрат”, “жиҳод”, радикаллик, мутаассиблик, ташиқи таъсир, стресс, депрессия.

Аннотация: В данной статье трагическое прошлое некоторых узбекских женщин, вернувшихся из зон боевых действий Ближнего Востока и Афганистана в рамках операции «Мехр», и влияние террористической организации ИГИЛ («Исламский

призыв Ирака и Леванта») на женщинах с помощью различных методов были проанализированы. С этой точки зрения представленная статья, наряду со своим значением в борьбе с невежеством с просвещением, несомненно, послужит опорой для представителей области, обучающихся и работающих в религиозно-просветительском направлении.

Ключевые слова: Операция «Мехр», Сирия, ИГИЛ, «хижрах», «джихад», радикализм, фанатизм, внешнее влияние, стресс, депрессия.

Annotation: In this article the painful pasts of some Uzbek women who were returned from the war zones of the Middle East and Afghanistan as part of the “Mehr” operation, and the influence of the terrorist organization ISIL (Islamic state of Iraq and the Levant) on women through various methods have been analyzed. From this point of view, the presented article, along with its importance in the fight against ignorance with enlightenment, will undoubtedly serve as a support for the representatives of the field studying and working in the religious-educational direction.

Keywords: Operation “Mehr”, Syria, ISIS, “emigration”, “jihad”, radicalism, bigotry, external influence, stress, depression.

КИРИШ

Сўнгги йиллар мобайнида мамлакатимизда инсон ҳукуки ва эркинлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган изчил сиёсат самараси ўларок, нафақат юртимизда истиқомат қилаётган, балки ўзга юртларда мураккаб аҳволга тушиб қолган Ўзбекистон фуқароларига ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, уларнинг манфаати, шаъни, кадр-қиммати ҳимоя қилинмоқда.

Бундай ғамхўрликдан ёт ғоялар таъсирига тушиб хорижга чиқиб кетган, бегона мамлакатда турмуш ўртоғи ёки ота-онасидан айрилиб қолган ватнадошларимиз ҳам четда қолгани йўқ.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуслари билан “Мехр-1”, “Мехр-2”, “Мехр-3”, “Мехр-4” ва “Мехр-5” операциялари беш босқичда муваффақиятли амалга оширилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мазкур ташаббус билан ўтказилган 5 та махсус операциялар доирасида шу пайтгача 435 нафар ватандошимиз Яқин Шарқ ва Афғонистондаги қуроли тўқнашувлар ҳудудларидан мамлакатимизга қайтарилди. Қайд этиб ўтиш жоизки, 2017 йилдан 2022

йилгача мазкур ҳудудлардан қайтарилган 435 нафар ватандошимиздан 103 нафари аёллар, 332 нафарини эса болалар ташкил этади.

“Ватан – инсон учун энг улуғ, энг муқаддас мужда, – шахсан Президентимиз ташаббуси билан йўлга қўйилган “Меҳр” операцияси узок элларда сарсон-саргардон юрган, кўз-кўриб, кулоқ эшитмаган қийинчиликларни бошидан кечирган юртдошларимизни диёримизга қайтариб, уларга яна Ватан, деган обод манзилда хотиржам яшашдек улкан бахтни ҳада этиш мақсадини кўзда тутди. Бу амаллар бекиёс савобга йўғрилгандир”[1].

Ўтган давр мобайнида “қайноқ нуқталар”дан қайтарилган аёллар ва болалар давлат, жамоат ташкилотлари, меҳр-оқибатли фуқароларимиз ёрдамида жамиятимизда ўз ўрнини топиб кетишаётгани, айниқса қувонарли.

Умуман, Яқин Шарқдаги жанг кечаётган ҳудудлардаги лагерларда ушлаб турилган ҳамюртларимизни қайтариш бўйича тадбирлар доимий равишда олиб борилмоқда.

Ҳаётнинг нотекис йўлларида адашиб, ўзга элларда қийин аҳволга тушиб қолган бу инсонлар – юртдошларимиз йиллар давомида ижтимоий кафолатланмаган ҳолатда, наинки инсон ҳуқуқининг ўта одий кўриниши бўлган ижтимоий ҳимоядан мосуво, балки ҳаёт кечириш учун энг оддий шароитлардан ҳам маҳрум яшашга мажбур бўлишган. Уларнинг ҳар бири бегона юртда тонгда қайтиб уйғонмаслик ваҳимаси билан яшаган.

Ҳаттоки, Сурия давлатининг ал-Хасака вилоятидаги ҳудудда жойлашган “ал-Ҳол” ва “ал-Рож” лагеридagi аёллар ва болалар ҳаётдан умидини узганлар. У ерда ўткир инфекцияли касалликдан йил давомида 250 нафар бола ҳаётдан кўз юмгани қайд этилган.

Болаларнинг аксарияти 20 ёшга тўлмаган. Жангариларнинг энг даҳшатли усулларида бири бу болаларни болалигидан ўлимга тайёрлаш бўлган. Шунингдек, уларни қулликка сотиш ҳолатлари ҳам кузатилган. У ерда аксарият аёллар асирликда кун кечирганлар. Улар бу ҳудудларга ўз хоҳиши билан бормаган. Уларнинг акалари, оталари, эрлари зўравонлик ёки алдов йўли билан олиб борган.

Бу аёллар қилган хато сабаб қайсидир отасини, кимдир, эрини бошқа бири ўғлини йўқотди. Турмуш ўртоқларини йўқотгандан сўнг уларни бир неча бор шарият қоидаларини никоб қилган ҳолда мажбурлаб ёлланма жангчиларга турмушга беришган. Болалар ёввойи ҳолда

ўсан. Энг зарур тиббий шароитлар бўлмагани учун оддий касалликлар ҳам болалар ўлимига сабаб бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев: “Суриядан фуқароларимизни катта қийинчилик билан олиб келдик. У ерга учган биринчи самолётимизни уриб тушириш билан таҳдид қилишди. Менга кўнғирок бўлди, уриб туширишмоқчи деб. Мен энг яқин аэропортга қўниш ҳақида топширик бердим. Улар Озарбайжонга қўниб, кейин ортга қайтишди. Жангарилар лагерига 5 та автобусимиз кириб, 2 таси қайтиб чиқди. Қолган фуқароларимизни бермади. У ерда бизнинг одамларимиз, аёллар, уларнинг болалари юрибди. Бу аёллар нима учун кетиб қолган, нимани излаб борган? Сабаб нима?”[2].

Хўш, айрим фуқароларимиз тинч жойларини ташлаб, жанговар ҳаракатлар бўлаётган ҳудудларга кетишига нима сабаб бўлган?

2020 йил 3 март санасида “Сурия ва Ироқдан қайтариб олиб келинганларни реабилитация ва реинтеграция қилиш бўйича Марказий Осиё мулоқоти: Ўзбекистон тажрибаси” мавзусида Тошкентда бўлиб ўтган халқаро илмий-амалий конференцияда ўзбек аёлларининг Ироқ ва Сурияга кетгани сабаблари ҳақида профессор Б.Бобожонов куйдагиларни илгари суради: “Тадқиқотчи сифатида бир жиҳат мени қизиқтиради: аёллар нима сабабдан ватанни тарк этиб, уруш ўчоғи бўлмиш Сурия томон йўл олишди? Бундай туб бурилиш қилишга нима уларни ундаган? Тахминий ҳисоб-китобларимизга кўра, репатриантларнинг 10 фоизи Сурияга 2016-2017 йилларда кетган. Ўша пайтларда уруш бўлаётганди. Демак, шуни била туриб, уларда жиддий қарор қилишга муҳим асос бўлган”.

“Халқаро форумларда эшитиб қоламан: аёлларнинг Сурияга кетишига гўёки ижтимоий-иқтисодий муаммолар сабаб бўлган. Ижтимоий лифтлар, диний амалларни бажаришга етарли шароит мавжуд эмаслигини ҳам айтишади. Бизнинг натижаларимизга кўра, бу сабаблар ҳам бор. Лекин улар асосийси эмас. Сурия ва Ироқдан қайтиб келган аёллар билан суҳбатлашганимизда, уларга **“Бахтли халифалик”** гоёси сингдирилган. Уларнинг ҳикоя қилишича, аёллар ва болаларни бомба остига ташлашган, неча кунлаб оч-наҳорликда ушлаб туришган, болаларни хўрлашгача боришган”.

“Ўрганиш натижалари билан таништираман: аёллар турмуш ўртоғи, акаси, отаси ёки яқин қариндоши ортидан Сурияга чиқиб кетишган. Баъзилар бутун оиласи билан ватанни тарк этишган”. “Энг катта сабаб – уларнинг билимсизлигидир. Аёлларнинг шаходатномасига қарасак, ҳаммаси қониқарсиз таълим олишган. Ўз навбатида, ҳеч қаерда ишлашмаган. Оилада эркакларнинг буйруғини сўзсиз бажаришган”.

“Фикримча, жуда паст даражадаги таълим ташқи таъсирларга қарши кучсиз иммунитетни шакллантирган. Натижада, улар реал ҳаётдан бутунлай узилган бўлиб, урушни афсонага ўхшатишган. Уларда ҳақиқий вазиятни ҳолис баҳолай олиш кўникмаси бўлмаган. Ҳеч қайсиниси ҳаттоки бораётган давлатининг миллий валютасини ҳам билмайди”[3].

Суриядан қайтган аёл: “Биз Сурияда бўлган вақтимизда ҳар ой турар жойимизни ўзгартирдик. Кейин эрим бир ой йўқ бўлиб кетди, қайтиб келганида мен уни зўрға танидим. Яраланган, ҳамма жойи қон, ранги оқариб, озиб кетган, оёқда зўрға турарди. Қорнида тўртта чандиқ пайдо бўлганди. Мен унга ғамхўрлик қилдим, лекин унга дори, яхши овқатланиш керак эди. Бизда на дорига, на овқатга на сувга пул бор эди. Бу вақтда ҳеч ким бизни бир марта ҳам йўқламади”.

Эрингиз айнан нима учун Сурияга борганини айтганими? Бу жиҳодга қўшилиш ғоясимиди ёки пул ишлашми?

“Эрим Сурияга борганинидан жуда қаттиқ афсусланган. Унинг ҳамма ёғи шишиб, жароҳатлари қонар, оғриқдан кечалари ухломасди. У ўзини алдаганлиги, бошқача ваъдалар берганларини айтганди. Лекин унга айнан нима ваъда қилинганини менга айтмаган. Ҳар ойда 100\$ доллардан тўлашларини билардим, ўша пулга менга озик-овқат олиб келарди. Лекин ярадор бўлгач, ҳеч ким бизга ёрдам бермади. Шу тариқа икки ҳафта ўтди. Кейин жангарилар келиб уни мажбуран олиб кетишди. У деярли ҳаракат қила олмасди. Биз хайрлашдик. Мен уни охириги марта кўраётганимни ҳис қилдим. У кейинги сафар қайтиб келиши гумонлигини айтди. Мендан кечирим сўради. У ҳаммасидан пушаймон экани, лекин орқага йўл йўқлигини афсус билан айтди. Менга бахт тилади”.

“Икки ҳафта ўтди, кейин қандайдир эркаклар келиб телефонда эримнинг расмини кўрсатишди. Унинг кўзи ва оғзи очиқ ётарди.

Ўлик эди. Мен ҳатто йиғлашга ҳам куч тополмадим. У яхши одам эди”.

“Сиз уруш кетаётган бегона мамлакатда ҳеч бир таниши, ҳеч кими йўқ аёлнинг аҳволини тасаввур қиляпсизми? Нима қилишим керак? Қандай қилиб қутулишим мумкин?”

“Яна бир ҳафтадан кейин одамлар келиб ўзлари билан юришимни айтди. Қаерга, деб сўрашга кўрқдим, бунинг фойдаси ҳам йўқ, ҳеч ким барибир жавоб бермасди. Араб тилини билмасдим”. “Мен уларга имо-ишора билан кўйиб юборишни тушунтиришга ҳаракат қилдим. Лекин улар менга қолишни маслаҳат беришди ва иккинчи марта турмушга узатишди. Ҳеч ким менинг хоҳишимни сўраб ўтирмади. Шундай бир эркакни олиб келиб, бирга ўтиргизишди ва никоҳ ўқишди. У билан бир ой яшадим ҳалос”.

“Эрим маълумотли бўлмаса ҳам, жуда ишонувчан ва меҳрибон киши эди. Уни алдаш осон эди. У ёлғоннинг қурбони бўлди. Жангарилар ишонувчан одамлардан фойдаланишади. Мен ёлғиз қолдим, болаларим ҳам йўқ”. “Мен аёллар ва қизларни менинг хатоларимни такрорламасликка чақираман. Акс ҳолда сиз ўзингизга қадрли бўлган ҳамма нарсангизни йўқотасиз”...

“Меҳр” операциялари доирасида уруш нуқталарига бориб қолган аёлларнинг баъзиларидан олинган интервьюда мухбирлар саволига жавоб берар экан, у ерга борганларидан кейин, қайтишнинг деярли иложи бўлмагани, “Ислом давлати” (ИШИД) томонидан бунга қарши энг олий жазо – ўлим жазоси қўлланилгани, қочишга ҳаракат қилганликлари сабабли баъзи юртдошларимиз қатл қилинганлиги ҳақида маълумотларни айтади.

Сурияга борганига пушаймон бўлган баъзи аёллар, эрлари ва фарзандларининг ўлими билан боғлиқ мусибатни унутишга ҳаракат қилмоқдалар. Масалан, аёллардан бири уни суратга олиш жараёнида доимий равишда кулар эди – бундай психологик ҳимоя реакцияси бошдан кечирганларини унутишга уриниш сабабли келиб чиққан.

“Мен 18 ёшимда ўзим туғилиб ўсган Наманганда турмушга чиқдим. Эрим 2010 йилда даромад топиш мақсадида Россия Федерациясига кетди. У ерда бирга яшайдиган кишлоқдошларимиз билан бирга тургани учун мени олиб кетмадилар, лекин Исломий китоблар жўнатардилар, диний сайтларга ҳаволалар

берардилар мен интернетдан ўқирдим. Уларда асосан мени эрга итоат қилишим ва жиҳодга қўмаклашсам жаннатга тушишим ҳақида гаплар бўларди. Орадан икки йилча ўтгач мен ҳам турмуш ўртоғимнинг ёнига бордим. Кейинроқ фарзандларимизни ҳам олиб кетдик. Мен у ғоялар тўғрилигига ишонардим. У ерда бирга бир йилча яшаганимиздан сўнг мени Покистонга жўнатдилар, болалар Ислонни ўрганади дедилар. Диний тарбия оларкан деб хурсанд бўлдим ва ўз ихтиёрим билан кетдим. Пушаймонман. Ҳали ҳам кечиришди, мен кечиришмаса керак деб ўйлагандим. Инсонпарварлик, бағрикенглик аслида ўзимизда экан. Агар 10 йил ортга қайтганда эди, ҳеч қачон бормаган бўлардим у жаҳаннамга”.

Мухбир: Бир ўзингиз кетганмидингиз Покистонга? Ахир шарият аҳкомларига мувофиқ аёлларни маҳрамларсиз бир ўзини сафарларга жўнатишмасди-ку.

Ҳа, лекин биродарларимиз бор, деб мени жўнатдилар. У ерда мени кутиб олишди, лекин болаларимга Ислоний таълим берганимиз йўқ. Эрингни ёнига борасан, деб Сурияга жўнатишди. У ерда эрим йўқ эди. Қизим 9 ёшда, ўғлим 5 ёшда. Бир ойча “ал-Ҳол”даги лагерда яшадик. Кейин мени бошқа одамга турмушга беришди. Ёшлигимдан арабча ўрганганим сабабли мен ўз ҳаққимни сўрай олдим ва турмушга чиқишга қаршилиқ қилдим, иддам тугамаганини айтдим. Лекин, ҳеч кимга бу қизиқ эмасди. У ўлгандан кейин яна бошқасига эрга беришди. Мендан ризолик сўрашмади ҳам. Бир кун мен турмушга чиққан эркак қизим балоғатга етган-етмаганини сўради. Тушунмадим. Ҳали 10 га тўлмаган дедим. Лекин, у суқланиб қарашда давом этди. Қўрқиб кеттим. У кетганда қизимни ўзбекистонлик танишларимнинг уйига олиб бораман, деб кийимларини олиб уйдан чиқаётганимизда у қайтиб келиб қолди ва қизимни қўлимдан юлиб олиб кетди. Кейин уния қизимни кўрмадим...

Мухбир: “Ислон давлати” (ИШИД)ни номидан Ислон-ку,... Ҳаёт шарият қоидалари асосидасиди?

Қўйсангиз-чи, қанақа Ислон? Қанақа шарият? Ўшанда кетмаслигим керак эди. Бу ердагилар шахид бўлади, деб алдашади. Сиз шу гап учун ҳамма нарсасига қўнишингиз учун анча тайёрлашади. Бошида оддий ҳамма ишонадиган қоидалардан бошланади. Кейин эса сиз нима бўлаётганини тушунмайсиз ҳам. Лекин аслида, бу ҳеч қандай жиҳод эмас. Ҳаммаси уларнинг

ихтиёрида. Улар наша ҳам чекиши мумкин, ичиши ҳам мумкин, истаганини ўлдириши мумкин. Фақат жангарилар, оддий ожизалар эса умуман ҳеч нарсасига арзимади. Хотинларни бировдан олиб бировга бериш ҳам уларнинг ихтиёрида. Фақат нафси қондирса бўлди. Кичкина ўғил болаларни нега олиб чиқиб кетади катта жангарилар, хўш? Ислонда ўғай қизга кўз олайтириш борми? Мусулмон биродарни ўлдириш борми? Гўдакни ўлдириш, зўрлаш борми...

Сухбат шу ерда тугади. Аёл йиғлаганча отлиб мухбир олдида кетиб қолади. Кейин ҳамроҳларнинг маълум қилишича, у Сурияда икки фарзандидан ҳам айрилган экан.

Тадқиқотларга қараганда “жиҳодчи” гуруҳлар ўз сафига янги шахсларни жалб этишда махсус ёлланган гуруҳларнинг тарғиботчилари орқали кўп вақтини интернетда ўтказувчи, вақтинча ишсиз, хорижда пул топиш илминда юрган ва ижтимоий ҳолатдан норози шахсларни ўз сафларига қўшиш мақсадида улар билан гўёки “мусулмонларнинг азобланаётгани” тўғрисида сухбатлар олиб борадилар.

Сўнгра Ислон оламидаги “муаммолар” санаб ўтилиб, айбдорлар сифатида дунёвий давлат ва жамият кўрсатилади. Бундан кейин эса барча муаммоларнинг “ечими” сифатида “кофирларга” қарши “жиҳод” қилиш таклиф этилади. Бунинг учун авваламбор “ҳижрат” қилиш лозимлиги уқтирилади. Жаҳон ОАВларидаги интервьюларни кузатганингизда эса Сурияда бўлиб, жангарилар сафидан кутула олганларнинг аксарияти бу ҳудудда Ислоний анъаналар амал қилмаслигини ва фақат манфаатлар устуворлигини айтиб беришган.

Таҳлилчиларнинг фикрича, “Ислон давлати” (ИШИД)нинг асл қиёфасини кўрган шахслар ўз ватанларида экстремизм ва радикаллашувнинг олдини олишга ёрдам беришлари мумкинлигини таъкидлайдилар.

Қозғоғистонлик таҳлилчиларнинг фикрича, “Ислон халифалигини” тузиш ғояларидан руҳланиб уруш ҳудудига келган одам маълум бир вақтдан сўнг унга берилган ваъдалар ёлғон эканлигини тушуниб етиши билан ўз фикридан қайтади. Аммо бу дерадикализациянинг кўрқинчли жараёни, айниқса уни бошдан кечирганлар учун.

ИШИД сафига ёлланганлар қайтиш чиптасидан мосуво бўлганлар. Уларни ёллаганлар Сурияга етиб келишлари учун пул

тўлашган, аммо у ердан қочиш деярли имконсиз бўлган.

Ташвиқот видеоларига ишонган, натижада Сурияга жўнаб кетган кишилар эмоционал беқарор одамлар бўлган. Одатда ИШИД аъзолари одамларни қўйиб юборишмайди. Улар ё ўлдириладилар, ёхуд Осиё ёки Европага бориб, террорчилик ҳаракати содир этишга рози бўлишлари ёки ваъда беришлари керак бўлади. “Мўжиза” билан қочиш қутулганлар эса уларнинг шундай талабларни қўйишини тасдиқлаганлар.

“Ислом давлати” (ИШИД)га бориб қўшилган шахсларнинг жанговар ҳудудлардаги ҳаётлари ва бошидан ўтказган қийинчиликларидан келиб чиқиб ёлловчиларнинг таъсирига тушишига сабаб бўлувчи ички ва ташқи омиллар ҳамда гуруҳ жангариларининг қуйдаги ғайриисломий муносабатининг таҳлилини келтириб ўтамиз:

❖ “Ислом давлати” (ИШИД) тарафдорлари ўз сафларига турли давлаб фуқаролари катори Россия, Туркия, Покистон, Афғонистон, Ўзбекистон каби давлатлардаги меҳнат муҳожирларини ёллашга эътибор қаратган;

❖ “Ислом давлати” (ИШИД) сафига жалб қилинган ёлланма шахслар асосан Туркия, Покистон, Афғонистон, Россия орқали бориб қўшилган;

❖ Маълум бўлишича Суриядаги уруш ҳудудларига бориб қолган шахслар асосан 19 ёшдан 45 ёшгача бўлган. Хатарлиси ўзлари билан турмуш ўртоқлари ва вояга етмаган фарзандларини ҳам бирга олиб борган;

❖ Суриядан қутилиб ватанига тирик қайтганига ишонгиси келмаётган аксарият хотин-қизлар у еда ўтган кунларини мудҳиш воқеалар билан эслайди ва бошидан кечирганлари ҳозиргача тинчлик бермаслигини таъкидлайди;

❖ Сурияга бориб қолган кўпчилик аёлларнинг турмуш ўртоғи жангвор ҳаракатларда ҳалок бўлган, айримлари Сурия, Ироқ қамоқхоналарида қолган, баъзи аёлларнинг ёш болалари очликдан, касалликдан ва урушлар оқибатида нобуд бўлган ёки ногирон бўлиб қолган;

❖ Сурияга Туркия орқали бориб қолганларнинг аксарияти ҳеч қандай ҳуқуқий асосиз, давлат чегара қоидаларини қўпол равишда бузиб, ўз жонини хатарга қўйиб боришган;

❖ Сурияга бориб қолганларнинг аксарияти мўмай пул ишлаш, қийинчиликлардан қутилиш,

Исломга хизмат қилиш, гўё “мазлумларни ҳимоя қилиб, кофирларга қарши жиход қилиш” ёки динни ўрганиш, шариатга мувофиқ ҳаёт кечириш каби алдовлар қурбонига айланган шахслардир;

❖ Сурияга бориб қолган шахсларнинг маълум бир қисми (60/40%) ишчи-хизматчи, маълумотга эга бўлмаган, баъзиларида умумий ўрта таълимни тугатганлик тўғрисида аттестат ҳам йўқ бўган;

❖ “Ислом давлати” (ИШИД) сафида жанг қилган шахсларнинг аксарияти алданганини билишган, аммо тақдирга там беришга мажбур бўлган. Хатто тирик қолишдан умидларини узган.

❖ Жангвор ҳудудларда яшаган аёллар ва болаларнинг аксарияти озиқ-оқват танқислиги, сувсизлик, иқтисодий ночорлик, очарчилик, тиббий хизматларнинг мутлоқо мавжуд эмаслиги, юқумли ва бошқа касалликлар авж олган, табиий шароитларга зид гигиенасиз ўта оғир ҳолатда қўчма ва қочкин ҳаёт кечирган;

❖ Жангарилар тузоғида яшаган хотин-қизлар турли миллат ва элат вакиллари бўлгани боис, аксарияти тил билмаган улар имо-ишора орқали мулоқот қилишга мажбур бўлган ва бу борада жуда қийналган;

❖ Сурияга бориб қолган баъзи аёллар нима учун эрлари ўзлари ва болаларини бундай азобга дучор қилганига ҳалигача тушуна олмай азоб чекмокда;

❖ Маълум бўлишича жангари эркаклар аёлларга қўпол муомалада бўлишган. Юзи очиклиги учун калтаклаганлар. Асосан хотин-қизлардан қийин-ёзин қўлқоп ва паранжида бўлиши талаб этилган. Айниқса, жазирама иссиқда юзда парда билан нафас олиш жуда азоб бўлган. Ёз жуда иссиқ, қиш эса жуда совуқ бўлган. Совуқда кўпчиликнинг иссиқ кийимлари бўлмаган, бир бирларини танаси билан иситишга мажбур бўлган.

❖ Аёллар учун уйдан, ўз хоналаридан ташқарига чиқиш, гаплашиш, кулиш ва сайр қилиш тақиқланган. Чунки жангарилар гаплашишни ёқтиришмаган. Эҳтиёж учун ҳамма нарсаси ташқарида бўлган. Жуда зарур ҳолларда фақат овқат тайёрлаш ёки ҳожатхонага чиқишга рухсат берилган. Ҳар қандай муносабатлар тақиқланган;

❖ Аёллар 5-6 нафар ва ундан ҳам ортиқ киши бир хонада юпқа кўрпачаларда, ҳеч қандай мебелсиз, очик пол ва матрасларда яшаган. Электр энергия, кондиционер, вентилятор ва

ичимлик суви бўлмаган. Сувни сотиб олишга тўғри келганлиги учун жуда камдан-кам ювинишган. Сувни асосан овқат ва ичишга ишлатишган;

❖ Болалар жуда тез-тез касал бўлишган, ҳеч қандай дори-дармон, шифокор ёки шифохона бўлмаган. Баъзи аёллар тўшакда қийналиб, азобланиб ётган боласига ҳеч қандай ёрдам бера олмай иложсизликдан нобуд бўлаётганини кўриб дод солиб йиғлашган;

❖ Жангарилар ҳудудида бўлган шахслар (хотин-қизлар) яқинлари билан телефон орқали гаплаша олмаган. Ким биландир боғланишнинг имкони бўлмаган. Дейрли дунёдан узилишган;

❖ Сурияга бориб жанглarda иштирок этган аксарият кишилар ва уларнинг аёллари қаттиқ пушаймон бўлган, орқага йўл йўқлигидан қаттиқ афсусланган, алданганини кеч бўлсада тушуниб етишган. Ёлловчилар уларга турли ёлғон ваъдалар (ҳашаматли ҳаёт, мўмай пул, исломий ҳаёт ваҳоказо) бериб ишонтиришган;

❖ Турмуш ўртоғидан айрилган аёллар иддаси чикмасдан бошқа жангарига никоҳланган. Аёлнинг хоҳиши сўраб ўтирилмаган. Сўзсиз бўйсунуши талаб этилган. Аёлнинг эрки ўзига берилмаган. Улар учун ҳаммаёқ чекланган. Жангарилар аёлларни калтаклаши, сотиши, зўрлаши ва ўлдириши ҳеч гап эмас. Улар аёллар билан хоҳлаган ишларини қилишган. Хотин-қизлар улар учун бир буюмдек бўлган;

❖ Жангарилар билан келишишнинг иложиси йўқ. Уларни кўндириш, уларга арз қилиш мумкин эмас. Улар учун аёлларнинг дардлари, ҳислари ва тақдирлари умуман аҳамиятсиз. Улар учун аёл ҳеч нарсага арзимайдиган, фақат баъзи бир ишларни бажаришга мўлжалланган жонзот сифатида қаралган.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, мазкур ташаббус билан олиб келинган шахслар бундай бағрикенгликка жавобан ҳозир тинч ҳаёт кечириб, ҳалол меҳнат билан шуғулланмоқда. Болалар эса таълим олмоқда. Чин етим бўлиб қолган фарзандлар Меҳрибонлик уйларида жойлаштирилган. Уларнинг янги ҳаёти, дунёқараши яхши томонга ўзгарган.

Энг муҳими, Ўзбекистоннинг кўпчилик давлатлар жазм қила олмаётган бу каби инсонпарварликка, меҳр-саховат, оқибат, кечиримлилик, бағрикенглик каби эзгу

сифатларга йўғрилган миссияси ҳали давом этади.

АДАБИЁТЛАР

1. Xoliqnazarov N. O'zbekiston musulmonlari idorasi raisi, muftiy. Suriya mamlakatining jangovar harakatlar davom etayotgan qismidan jami 98 nafar O'zbekiston fuqarolarini 2020-yil 8-dekabr sanasida Vatanga qaytarish bo'yicha amalga oshirilgan navbatdagi "Mehr-3" operatsiyasi doirasida OAVga bergan intervyudagi nutqidan. – Toshkent: 2020-yil 8-dekabr.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlis Senatining 20-yalpi majlisida 156 nafar ayollar va bolalarni Suriyadan qaytarish mashaqqatlari haqida so'zlagan nutqidan. – Toshkent, 2019-yil 22-may.
3. Qarang: Bobojonov B. Toshkent shahridagi Hilton mehmonxonasida Suriya va Iroqdan qaytarib olib kelinganlarni rehabilitatsiya va reintegratsiya qilish bo'yicha Markaziy Osiyo muloqoti: O'zbekiston tajribasi mavzusida xalqaro ilmiy-amaliy konferentsiyada so'zlagan nutqidan. – Toshkent, 2020-yil 3-mart.
4. Ishmatbekov H. O'zbekiston musulmonlari idorasi raisi birinchi o'rinbosarining "Mehr-5" operatsiyasi doirasida Suriyadan olib kelingan 93 nafar o'zbekistonlik fuqarolar yuzasidan OAVga bergan intervyudagi nutqidan. – Toshkent, 2021-yil 30-aprel.
5. Norboeva T. O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Senati Raisining "Mehr-1" operatsiyasi doirasida 156 nafar o'zbekistonlik Suriya poytaxti Damashqdan maxsus reys bilan O'zbekistonga olib kelinganligi to'g'risida Gazeta.uz nashriga bergan intervyudagi nutqidan. – Toshkent, 2019-yil 30-may.
6. Mirzaboev F. O'zbekiston o'z fuqarolarini Suriyadan qaytarish uchun ikkinchi operatsiyani tayyorlamogda. – Toshkent, 2019. – B. 1-2.
7. Abdullaeva Sh. O'spirinlarning tarbiyalanganlik darajasini diagnostika qilish va xulqidagi nuqsonlarni bartaraf etish. Monografiya. – T.: Fan va axborot texnologiyalari, 2010. – 157 b.
8. Asadov Sh. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti matbuot kotibining 3-maydagi matbuot anjumanda "Mehr-5" operatsiyasi doirasida Suriyadan olib kelingan 93 nafar o'zbekistonlik fuqarolar yuzasidan so'zlagan nutqidan. – Toshkent, 2021-yil 3-may.
9. Радикализация и дерадикализация: изучение опыта иностранных боевиков-террористов. – Бишкек, 2021.
10. Hoffman B. The prevention of terrorism and the rehabilitation of terrorists: some preliminary thoughts // Paper presented at The International Symposium On Rehabilitation Of Terrorists In Turkey. – Istanbul, 1985.